

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“География” кафедраси ўқитувчиси

***ОТАБОВЕВ АХМАДЖОННИНГ***

**“Иқтисодий ва ижтимоий  
география” фанидан  
РЕФЕРАТ  
намунаси**



Қўқон - 2010

# **I. РЕГИОНАЛ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ, ЎРГАНИШ УСЛУБЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

## **РЕЖА:**

- 1. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг объекти ва предмети.**
- 2. Ўрганиш услублари.**
- 3. Тарихий услуб.**
- 4. Система-структура услуби.**
- 5. Экстраполяция услуби**
- 6. Картографик услуб;**
- 7. Таққослаш услуби;**
- 8. Статистика ва математика услуби;**
- 9. Моделлаш услуби;**

### **1. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг объекти ва предмети.**

- Энди асосий эътиборни иқтисодий ва социал географиянинг **объекти ва предметнинг** кўришга қаратилади. Бизнинг фикримизча иқтисодий ва социал географияда объект бўлиб ишлаб чиқариш кучлари, уларни ҳудудий ташкил этиш, ҳудудий социал иқтисодий системалар хизмат қилади. Бу объект билан иқтисодий географлар билан бир қаторда иқтисодчилар ҳам шуьуълланадилар. Иқтисодий географлар терреториал социал системаларни ёки комплексларни турли районларда ижтимоий ва ҳудудий меҳнат тақсимои жараёнида вужудга келиши, ривожланиши, ва бошқариш қонуниятларини ўрганади. Булар

эса фанимизнинг предметини ташкил этади. Бизга иқтисодий ва социал географиянинг объекти ва предмети равшан бўлди. Юқорида кўрсатилган предметни қайси услублар билан ўрганамиз? Албатта ҳар бир воқеа, ҳодисаларни ўрганишда унга аввало фалсафа нуқтаи назардан ёндошиш керак. Бу барча фанларнинг метадологиясидир. Иқтисодий ва социал география учун, шу билан бирга сиёсий иқтисод ҳам назарий асос, фаннинг метадо-логияси бўлиб ҳисобланади.

## 2. Ўрганиш услублари.

- Метадологиядан ташқари, ўрганиш учун аниқ **услублар** ҳам мавжуд. Бизнинг фанимизда аввало қуйидаги **усуллар** қўлланиши мумкин:
- **картографик услуб;**
- **таққослаш услуби;**
- **тарихий услуб;**
- **статистика ва математика услуби;**
- **моделлаш услуби;**
- **система структура услуби;**
- **энергия ишлаб чиқариш услуби;**
- **экстрополяция ва бошқа услублар.**
- Бу услублар таниш услублардир. Айримлари тўғрисида тўхталиб ўтамыз, таққослаш услуби сермахсул ва фойдалидир. Бу услуб таққосланаётган объектлар учун умумий ва ўзига хос томонини очиқ беради. Таққослаш услубида икки нарсага эътибор берилиши лозим. Биринчидан, таққосланаётган объектнинг катта-кичиклиги, ўз кўлами жиҳатидан бир-бирига

маълум даражада тенг бўлиши шарт. Мисол: Чуст шаҳри билан Фарьона водийси хўжалигини таққослаш илмий томондан яхши натижа берган.

- Иккинчидан, таққослашда **синхром** усулдан, ёки айти пайтда иккала таққосланаётган объект қурилса, бу услуб унумли ва сермазмун бўлади. Бунда, аввал бир объект тўла кўрилиб, кейин иккинчиси эмас, балки бирданига тақсим қилиниши мақсадга мувофиқдир.

#### **4. Система-структура услуби.**

- **Система-структура услуби**, у ўрганилаётган ҳодиса ёки борлиқнинг ўзигина эмас, балки уни бошқа, ундан каттароқ объект доирасида, биргаликда ва ўзаро алоқадорликда анализ қилишни талаб қилади. Мисол: маълум бир вилоят хўжалигини яхлит система равишда ўрганиш ва айти пайтда бу иқтисодий район; республика ягона халқ хўжалиги мажмуасининг узвий бир қисми, бўлаги эканлигини унутмаслик керак.
- География ҳамма вақт ҳудуд билан иш тутади, ва бу объект сифатида бир жойдан иккинчи жойга фарқ қилади, турли хил бўлади. Бу фан ана шу турли хилдаги ҳудудий социал-иқтисодий система доирасини ўзини қизиқтирган объекти, маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, қандай вужудга келганлигини, ривожланишини, йўналишларни ўрганади.
- Рус энциклопедик оилими, Россиянинг биринчи академиги М.В.Ломоносов “ География бутун бир оламини, бутун бир борлиқни бир қарашда қамраб олади ” деб айтган эди. **“Иқтисодий география ”** тушунчасини **биринчи** бўлиб **1760**

йилда **Ломоносов қўлаган** эди. Демак, маълум бир ҳудудий социал-иқтисодий борлиқ ҳам система ва айна пайтда ўзидан каттароқ, кенгроқ бўлган система доирасида структура сифатида намоён бўлади.

- Система-структура тушунчаси ҳақида яна бир назарий масалани айтиб ўтиш керак. Баъзи олимларнинг фикрича, иқтисодий ва социал география халқ хўжаликнинг ҳудудий структурасини ўрганиши лозим. Бу структура 4 хил бўлади: моддий ишлаб чиқариш, аҳоли ва аҳоли пунктларини ҳудуд бўй-лаб тақсимланиши ва ўзаро муносабати, табиий шароит ва бойлик ҳамда ишлаб чиқариш инфраструктурасидан иборат. Энди бу бўлақлар ўзининг ҳудудий структурасига эга. Жумладан: моддий ишлаб чиқаришнинг ҳудудий структураси – бу ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси, табиий ҳудудий мажмуа (ландшафт)дир. ҳудудий система-структура назариясидаги айрим бўлақлар (структуралар) биргаликда бир жойда намоён бўлади. Улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқдир

## **5. Экстраполяция услуби**

- **Экстраполяция** услуби тўғрисида ҳам тўхталиб ўтамиз. Маълумки, ҳар қандай фан, илмий дунёқараш уч муҳим бўлақлардан иборат. Бу: анализ, синтез, башоратдир. Бу бўлақлар айниқса, медицина ходимларининг иш тутишида яққол кўринади. Айтмоқчимизки, ҳозирги борлиқ ўтмишдаги жараёнга, келажак эса ҳозирги ва ўтмишдаги ривожланиш суратига боғлиқдир. Бунинг асосида мавжуд жараёнларни кўчириш ёки экстраполяция қилиш ётади. Мисол: ўзбекистон

аҳолиси йилига 3% га яқин ортиб борса, 2010 йилда 30 млн. кишини ташкил этади, деб фикр юритиш бу олдинги аҳоли ўсиши суратини экстрополяция қилиш демакдир. Агар башорат қилинадиган давр экстрополяция қилинадиган даврга мос тушса, ҳақиқатга яқин маълумот олиш мумкин.

- Шу билан биргаликда бу услуб камчиликлардан ҳам ҳоли эмас, энг муҳими – унинг ташқи омил ва сабабларини ҳисобга олинмаслигидир. У фақат ички кучларни ҳисобга олади ҳолос.
- 4. Энди иқтисодий ва социал географиянинг вазифаларига тўхталамиз. Иқтисодий ва социал географиянинг назарий ва амалий масалаларидан бири – ҳудудий меҳнат тақсимоти ва унинг натижасида вужудга келаётган иқтисодий жараёнлар ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг режали равишда шаклланиши ва ривожланишини ўрганишдир. Шунингдек, иқтисодий ва социал география ҳудудий агросаноат мажмуаларини, аҳоли жойлашуви ва урбанизация жараёнидаги қонуниятларни ўрганиши, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишда атроф муҳити и муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни таъминлаш керак. Бу фан ижтимоий-географик жараёнини комплекс анализ қилади.

## **6. Картографик услуб;**

- Иқтисодий географияни ўрганишда қуйидаги қўшалок бирликлар катта аҳамиятга эга:
- моддий ишлаб чиқариш «-» табиий шароит ва ресурслар;
- моддий ишлаб чиқариш «-» инфраструктура;

- табиий шароит ва ресурслар «-» аҳоли ва аҳоли пунктларининг жойланиши;
- табиий шароит ва ресурслар «-» инфрақурулуш;
- аҳоли жойланиши «-» инфрақурулуш; География қадимий ва ҳақиқатан ҳам фан. ҳамма ерда ҳам география ўз объекти ва предметини топади, фақат бу объект ҳудудий-маъмурий ва картага тушириш имкониятига эга бўлса етарли.
- Қўлдан келтирилган ҳаётимизда география биз билан бирга.

## **II. ГЕОГРАФИК ЎРИН ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ ЖОЙЛАШУВИДА ГЕОГРАФИК ЎРИННИНГ АҲАМИЯТИ РЕЖА:**

1. Иқтисодий географик ўрин тушунчаси.
2. Иқтисодий географик ўринни баҳолаш мезонлари.
3. Микрогеографик ўрин.
4. Мезогеографик ўрин.
5. Макрогеографик ўрин.
6. Иқтисодий географик ўриннинг замон ва маконда ўзгариши.
7. Ривожланган мамлакатлар халқ ҳўжалигида иқтисодий географик ўриннинг аҳамияти.

### **1. Иқтисодий географик ўрин тушунчаси.**

- **Географик ўрин** — жойнинг юошқа ҳар қандай ҳудудга нисбатан тутган ҳолатини ифодалайди. ҳар қандай ҳудуднинг

географик ўрни – математик географик ўрин, табиий географик ўрин, сиёсий географик ўрин ва иқтисодий географик ўрин каби шаклларда кўрилади.

- Агар жойнинг ҳолати бош меридианга, экваторга ва бошқа ҳар қандай объектга нисбатан нечанчи градусда эканлигини аниқланса – жойнинг **математик географик ўрни** аниқланган бўлади.
- Жойнинг тоъ, дарё, кўл, океан ва бошқа табиий географик объектларга нисбатан ўрни аниқланса, **табиий географик ўрни** аниқланган бўлади.
- Мамалакатларнинг жойлашган ўрни унинг иттифоқчилари ёки қарама – қарши давлатларга нисбатан давр, сиёсий ҳолати, турли ҳарбий сиёсий бирлашмаларга нисбатан тутган стратегик ҳолати – **сиёсий географик ўрни**ни аниқлайди.
- **Иқтисодий географик ўрин** – жойнинг (давлатнинг, районнинг ёки бирор ишлаб чиқариш объектининг) дунёвий алоқа йўлларига, дунёвий марказларга, дунё бозорига, транспорт тугунларига, магистрал йўлларга, саноат ва савдо узелларига нисбатан тутган ўрнини ифодалайди. Шунингдек, жойнинг иқтисодий географик ўрни, тарихий иқтисодий географик ўрни, табиий географик ўрни асосан биргаликда кўрилади.
- Математик географик ўрин – координаталар тўри орқали, табиий географик ўрин – табиий географик карталар орқали, сиёсий географик ўрин – сиёсий карталарда, иқтисодий географик ўрин – иқтисодий карталаштиришда ўз аксини топади.



## **2. Иқтисодий географик ўринни баҳолаш мезонлари.**

- Иқтисодий географик ўрин назариясига асос солган рус олими Н.Н.Баранский иқтисодий географик ўриннинг аҳамияти муҳимлиги ҳақида қуйидаги уч мисолни келтирган эди.
- «Урал ва Швецияни таққослайлик. Урал ҳам Швеция ҳам мўътадил кенгликда жойлашган тоъли ҳудудлардир. Уларнинг тоълари кекса бўлиб, темир рудаларининг катта захираларига эгадир. Лекин коксланувчи кўмирнинг запаслари етарли эмас, шунингдек ўрмон ресурслари ҳам чегараланган. Бутун Европа учун Швеция ва Урал металл манбаи эди.
- Юқоридаги ўхшашликлар билан бир қаторда уларнинг географик ўринлашувида бир қатор фарқлар кузатилади. Бири (Швеция) тоъ тизмасида, Европа давлатларига олиб чиқувчи денгиз соҳилларида жойлашганлигида бўлса, иккинчи объект (Урал) – Европа ва Осиёни чегараловчи бўлиб, денгиздан анча ичкари чекинганлигидир.
- Географик ўрнидаги қулайлик (денгиз ва океанларга очиқлиги) Швецияни ривожланган мамлакатлар қаторига киритди. Урал эса, денгиз йўлига чиқишнинг қулай шароитига эга бўлмаганлиги сабабли темир йўл бориши ва бошқа қулай имкониятларни замон ўтиб кутишга мажбур эди. Урал бизнинг давримиздагина Урал – Кузнецк комбинатининг қурилиши билангина ривожлана бошлади.
- Демак, географик ўрин ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўринга эгадир.

### 3. Микрогеографик ўрин.

- Дунёнинг энг ривожланган шаҳарларидан бири бўлган Нью – Йорк ҳам ўзининг географик ўринининг қулайлиги туфайли АҚШ нинг қудрати тимсолига айланди. Чунончи шаҳар, АҚШ нинг Буюк Қўлларларига мамлакатнинг ички районларидан кириб келувчи ва Атлантика океанига олиб чиқувчи – улкан дон маҳсулотлари, гўшт , темир, ёғоч ва бошқа кириб келувчи ва чиқиб кетувчи маҳсулотларнинг дарвозасида жойлашгандир. Шунингдек, яқин Барбдан келувчи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва саноат ресурслари ҳам шу дарвоза орқали кириб келади. Буюк Қўллар АҚШнинг арзон сув йўлидир. Нью Йорк эса бу йўлнинг чиқиш йўлагига жойлашган.
- **Иқтисодий географик ўриннинг шакллари.** Иқтисодий географик ўрин уч хитл кўринишда бўлади. А) Микрогеографик ўрин; Б) мезогеографик ўрин; С) Макрогеографик ўрин.
- **1. Микрогеографик ўрин** грекча μικρο – кичик сўзидан олинган бўлиб, объектнинг яқин атрофдаги кичик ҳудудий ўринлашувига кўра ишлатилади, ўрганилади.
- Микрогеографик ўринни турлича катта – кичикликдаги объектларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Масалан, Фарьона иқтисодий районининг микрогеографик ўрни – унинг Фарьона водийсидаги ўринлашуви, ҳудуднинг ядроси ҳисобланган Фарьона, Андижон, Наманган вилоятлари, уларнинг ўринлашувлари, географик ўринларидаги хусусиятларини таҳлил этиш орқали аниқланади.

#### **4. Мезогеографик ўрин.**

- **Мезогеографик ўрин** грекча -  $\mu\epsilon\delta\sigma\delta$  – ўртача сўзидан олинган бўлиб, иқтисодий объектнинг ўртача катталикидаги ҳудудларига нисбатан тутган географик ўрнига кўра таҳлил этилади ва ишлатилади.
- ҳар қандай катталикидаги ҳудуднинг мезогеографик ўрнига кўра тавсифлаш мумкин. Масалан, Фарьона иқтисодий районининг микрогеографик ўрни – унинг ўзбекистоннинг бошқа иқтисодий раойнларига нисбатан тутган ҳолатини ифодалайди.

#### **5. Макрогеографик ўрин.**

- **Макрогеографик ўрин** грекча  $\mu\alpha\kappa\rho\sigma$  – катта сўзидан олинган бўлиб, иқтисодий географик объектларнинг ўртача катталикидаги ҳудудларга нисбатан тутган ўрнини белгилайди. Масалан, Фарьона иқтисодий районининг мезогеографик ўрни Осиёдаги йирик иқтисодий географик объектларга нисбатан тутган ҳолатига кўра белигиланади.
- Иқтисодий географик объектларнинг турлича катта – кичикликда бўлишига қараб, географик ўриннинг юқоридаги уч шаклининг ҳудудий катталиги ҳам ўзгариб боради. Кичик иқтисодий географик объектларнинг географик ўрни шунча кичик миқёсда ташкил этгани ҳолда, давлатлар, айрим ривожланган иқтисодий районларнинг иқтисодий географик ўрни, уларнинг интеграцион муносабатларидан келиб чиқиб, макрогеографик ўрни ўрганилганда дунё давлатлари ичида тутган ҳолати эътиборга олинади. Масалан, Канада давлатининг макрогеографик ўрни дейилганда – унинг халқаро географик

меҳнат тақсимоотида иштирок этиши учун қулай шароит яратиб берувчи географик ўрнидаги элменетлар эътиборга олинади. Бунда Канаданинг дунёнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган давлатлар билан қўшнилиги (АҚШ ҳамда Тинч океани орқали Япония, Россия) ҳудудий жиҳатдан яқин жойлашуви, Канаданинг ғарб ва шарқ томонлардан Тинч ва Атлантика океанлари билан ўралганлиги натижада дунёнинг хоҳлаган давлатларига бўлган арзон сув йўлининг мавжудлиги ва бошқалар эътиборга олинади

## **6. Иқтисодий географик ўриннинг замон ва маконда ўзгариши.**

- Марказий ўрин тушунчаси асосан пойтахт шаҳарларга нисбатан ишлатилади. Маълумки бундай шаҳарларда давлатнинг — транспорт, саноат, фан ва маданият тугунлари бирлашади. Пойтахт шаҳарни ўрганишда асосан икки асосий даврга эътибор берилади. Яъни пойтахтлик мавқеига эга бўлгунга қадар шаҳарнинг қиёфаси ва пойтахтлик мавқеини эгаллагандан кейинги давр иқтисодий шароити таҳлил этилади. Биринчи давр учун шаҳарнинг микрогеографик ўрни муҳимдир. Пойтахт ва йирик шаҳарлар иқтисодий — сиёсий географик ўриннинг қулайликлари нафақат шаҳар учун балки, бутун бир давлат учун ҳам аҳамиятлидир. Дунёдаги кўпчилик мамлакатларнинг пойтахтлари қулай географик ўринлашувга эгаллиги боис, давлатнинг асосий иқтисодий улуши ана шу шаҳарларда тўплангандир. Масалан, Франциянинг пойтахти Париж шаҳри яқингача давлатнинг иқтисодий жиҳатдан тимсоли бўлиб келган. ҳозирда деярли барча ривожланаётган давлатларнинг

пойтахт шаҳарлари ана шундай мақомга эга бўлмоқда. Жумладан, ватанимиз пойтахти Ўзбекистонда ҳам Тошкент шаҳри ана шундай мақомни эгаллайди.

## **7. Ривожланган мамалкатлар халқ хўжалигида иқтисодий географик ўриннинг аҳамияти.**

- Давлат потйхатларининг марказийлиги унинг барча функциялар (иқтисодий, сиёсий, маданий марказ вазифаси) ни бажариши шарт эмас. Акс ҳолда мамлакатнинг бутун халқ хўжалик сиситемасининг ўзи давлат ҳудудининг айрим регионларига йиъилиб қолиб, қолган шаҳарлар ва ҳудудларнинг ривожланиши орқада қолади. Бу ҳол марказий шаҳарнинг ўзини ҳам экологик жихатдан таназзулига сабаб бўлади. Дунёнинг ривожланган давлатларида марказий шаҳарларнинг ўз функциялари мавжуд. Жумладан, АҚШ давлат пойтахти Вашингтон асосан мамалакат сиёсий маркази вазифасини бажарса, Нрю – Йорк ва бошқа иқтисодий географик ўрни қулай шаҳарлар саноат марказлари вазифасини ўтайди.
- Юқоридагилардан кўриладикки, марказий шаҳарлар бирваракайига барча функцияларни бажаришлари шарт эмас, балки мамлакат ҳудудининг, шаҳаралар географик ўрнининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар ҳам маълум функцияларни бажаришлари мумкин. Масалан, мамлакатнинг табиий шароити мўътадил, манзарали бўлган шаҳарлари рекрацион марказ, тарихан саноат ривожланган, бугунги кунда ҳам ишлаб чиқариш кучлари етрли даражада тўпланган шаҳарлари иқтисодий марказ, илм – фан, малакали меҳнат

ресурслари тўпланган ҳудудлар эса фан ва маданий марказлар вазифасини ўташи мумкин. Мамлакат ҳудуди ва шаҳарлари географик ўрнидан бу қадар фойдаланиш, давлат регионларининг ўзаро узвий ҳолда боълаб, уларнинг бир текис ривожланишини таъминлайди.

### **III. ТАБИИЙ ШАРОИТ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИ. ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ГЕОГРАФИК ЎРИННИНГ АҲАМИЯТИ.**

#### **Р Е Ж А:**

1. Табиий шароит ва қазилма бойликларни давлатларни иқтисодий ривожланишига таъсири.
  2. Табиий ресурсларни баҳолаш турлари ва унинг аҳамияти.
  3. Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш йўллари.
  4. Табиий ресурсларни экологик нуқтаи назардан баҳолаш.
  5. Ёқилъи (кумир) бойликларини иқтисодий баҳолаш
  6. Минерал бойликлар ҳақида
  7. Минерал сув ва уни баҳолаш
1. Табиий шароит ва қазилма бойликларни давлатларни иқтисодий ривожланишига таъсири.
  - Табиий шароит ва қазилма бойликлар мамлакатларнинг халқ хужалигини ривожланиши ва жойлашишига катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш кучларининг жойланиши ва ривожланишига табиий шароит ва қазилма бойликларни таъсири узгарувчан бўлиб бу давлат тузуми, аҳолини малакаси,

давлатларни ривожланганлик даражасига боълиқдир. Айрим мамлакатларда (АҚШ, Германия, Англия ва бошқалар). "Штандорт назарияси" оқими мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида географик ўрин, табиий шароит, казилма бойликлар хал килувчи аҳамият касб этади, деган ыояни илгари сурадилар. Уларнинг фикрича "муътадил минтақа" мамлакатлари ўз хўжагини ривожланиши учун қулай имкониятларга эгадир.

- Чунки тупроқ шароитлари ва дехкончилик ўз навбатида чорвачилик тармоқларига ихтисослашишни хам такозо этади. Сут чорванчилик асосан галла экилувчи районларда ривожлангандир. Шу районларда парарндачилик ва чучқачилик хам кенг куламда жойлашган Гушт сут чорванчилиги. Баъзи мамлакатлар (хитой Х.Р.) олимлари иқтисодий тараккиётни ахоли ва уни меҳнат малакаси белгилайди деб талкин этадилар. Бу гоя тарафдорлари жаҳондаги иқтисодий техника ривожини ахоли зич районлар билан боълашга ҳаракат киладилар. Маълумки дунёда ахолиси куп ва зич мамлакат Хитой Х.Р.дир. шунинг учун хам "Х.Х.Р. - дунёнинг иқтисодий маркази деб Оврупа ва Шимолий Америка Мамлакатлари, Жанубий Шаркий Осиё (Япония, Хиндистон)га ижобий ёндошадилар.

## 2. Табиий ресурсларни баҳолаш турлари ва унинг аҳамияти.

Табиат ва казилма бойликлар инсонга энергия, ёкильилар метал рудалар қурилиш материаллари, химия хом ашёлари кабиларни беради. Шунингдек инсон ўз фаолиятида ер-сув усимлик ва хайвон ресурслари, қуёш нури. хаводан хам фойдаланади. Мамлакат

табiiй ресурсларга қанчалик бой булса (ресурслар тури хилма хил булса) кўп тармоқли халқ хужалигини ташкил этиш ва ривожлантириш имконияти шунчалик юкори бўлади. Шунинг учун ҳам "иқтисодий баҳолаш" га аҳамият берилади. Ўзбекистонда 940 та минерал ва казилма бойликлар аниқланган бўлиб, 400 таси ишга туширилган. Мамлакатларда ёкилга-энергетика бойликларини баҳолаш муҳимдир. Кумир ресурсларини ҳисоблашда Кунгир кумирни ер юзасидан 600 метр ва тошкумирни 1800 метр чуқурликдан булган захиралари ҳисобга олинади. Ундан чуқурда жойлашгани Б.М.Т. олимлари тавсияга мувофиқ ҳисобга олинмайди. Кумирни иқтисодий баҳолашда катламлар калинлиги ҳам ҳисобга олинади. Кунгир кумир 70 см 1 мгача, тошкумир 45 см - 1 метргача, калинликда булса ҳисобга олинади. кумир таркибида тупроқ ва сув бошка элементлар 40-50 фоиздан ошмалсиги керак. Шу қоидаоар асосида 1913 йилда Россияни кумир бойлиги 231 млрд. т. ҳисобланиб (АҚШ, Канада, Хитой ва германиядан кейинги) бешинчи уринда эди. МДХ давлатларини кумир бойликлари (собиқ СССР) 9000 млрд. тонна ҳисобланиб, биринчи уриндадир. Казилма бойликларни (кумирни) казиб чиқаришда шу ҳудудни иқлим шароити ҳам ҳисобга олинади. Масалан: Печора кумири тан нархини киммат бўлиши купроқ иқлимни мураккаблигига боглик. Шахта усулида казиб чиқариладиган кумирни таннархи уни ер юзасидан чуқурлиги билан ҳам боглик. Собиқ СССР да 1965 йилда уртача кумир казиб чиқариш 323 м.ни ташкил этгани холда Кузбассда, 203 м. Печорада 385 м, Донбассда 400 м. эди. 1940-60 йилларда 5,7 млрд тонна кумир казиб олинди.



100 млн. тонна кумир казиб чикариш кумир хавзаларини 1,34 см га чукурлаштиради. 1960-80 йилларда 14, 4 млрд тонна кумир казиб олинди. 1980 йилда уртача кумир казиб чикариш чукурлиги 460 м. курсатди.

### **3. Табiiй ресурсларни иқтисодий баҳолаш йўллари.**

- МДХ давлатлари темир рудасига бойдир. Записи 99 млрд. тонна, ярми А ва В категориясида. Буни 78 фоизи 20 та конда жойлашган. Колгани купрок С категориясига кириб 280 та жойдадир. Курск Магнит анамасияси, Кривой Рог, Урал ва Сибирдаги конлар мухим ахамиятга эга. Марказий Осиё қозогистон темир рудасига бойдир. МДХ давлатлари марганец, хромитр, мис, кургошин, рух, алюмин хом ашёси (бокситр, пefелин, алунитр) кобалрт, ва волрфрамга бойдир. Шунингдек олтин, кумуш, титан, молибден, сурма ва симоб, никелр, олмос, запаслари ҳам кўп.
- Ош ва калин тузлари олтингугурт, графит, слюда, азбес каби хом ашёлар бор.

### **4. Табiiй ресурсларни экологик нуқтаи назардан баҳолаш.**

- Жаҳон мамлакатларида шу жумладан ўзбекистонда чучук сув запаси ва муаммоси кенгайиб бормоқда. Оқар сувдан электр энергияси олинади, суьоришда ишлатилади. Инсон фаолиятида ҳам унинг аҳамияти бекиёсдир. МДх давлатларида сув арзон, электр энергияси манбаиси транспорт қатнови ерларни суьоришда фойдаланилади. Сув жуда кўп мамлакатларда саноат хом ашёси ҳамдир. МДх давлатларида дунёдаги сув энергияси запасининг 12 фоизи ёки 430 млрд. квд. с жойлашган. Шундан

172,0 млрд квт дан йилига фойдаланиш мумкин. Бироқ ҳозир фақат беш фоизи ишга солиган ҳолос.

- Гидроэнергия ресурсларига Шарқий Сибир (800 млрд квт/с) Узоқ шарқ (250 млрд квт/с) айниқса бойдир.
- ўрта Осиё давлатларида 225 млрд. квт/с сув энергияси ресурслари бор. ўрта Осиёдаги тоғ-дарёлари (қирғизистон, Тожикистон).
- мавжуд сув ресурслари даражаси республика ҳаёти учун гоётада муҳим ҳисобланади. Республика ҳудудида ер юзасидаги сувлар гоётада нотекис тақсимланган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг тахминан учдан икки қисмини эгаллаган поёнсиз текислик районларида сув манбалари жуда кам. Айни вақтда ўзбекистоннинг шарқда жойлашган тоғли районларда дарёлар кўп. Ер бўзаси сувларининг республика районлари бўйича бундай нотекис тақсимланганлиги ўзбекистоннинг ўзига хос қилимий ва жугорофий хусусиятларга эгаллиги билан тавсифланади.
- Республика доирасида оқар сув йиғиладиган асосий район унинг тоғли қисми бўлиб, ёғин-сочин бу ерларда энг кўп бўлади ва сувнинг бугланиш даражаси энг кам. ўрта Осиёдаги, жумладан шунингдек ўзбекистондаги мавжуд дарёларнинг суви асосан қор-муз эришидан ҳосил бўлади.

## **5. Ёқилъи (кумир) бойликларини иқтисодий баҳолаш**

- Донбассда шу даврда энг кўп кумир к/ч ҳисобга олсак уртача 721 чуқурликдан казиб олинди. (1980) Агар кумир к/ч ҳозирги ҳолатда давом этса 2001 йилда Донбассда 1200-1300 м чуқурликдан кумир казиб олинади. кумир хавзаларидан казиб

олинган кумир таннархи уни к/ч чукурлиги билан ҳам богликдир.

- Жаҳонда тугамайдиган ёкилги бойликлари йук. Б.М.Т. олимлари фикрича кумир 1000 йилда умуман тугайди, (табиий газ-нефтр 100 йилда) Ёқилъиларни тугаши (огзайиши) оъир окибатларга олиб келади. Таннархи қимматлашади. Ёқилъи ресурсларини озайиши инсониятга маълум бўлмаган янги бойликларни очилишига сабабчи бўлади. Масалан: Уран ва Торий атом энергетикасида электр энергия олишда ишлатилмокда. МДХ давлатларида шу жумладан ўзбекистонда янги нефтр ва табиий газ конлари топиб ишга туширилди. Казилма бойликларни А,В,С категориялари буйича хисоблаш кабул килинган.
- А- урганилиб, казиб чикарилаётган конлар.
- В - урганилиб, казиб чикаришга тавсия этилган конлар
- С - запаси, таркиби тулик урганилмаган конлар.
- Хамма казилмалар ҳам маълум коидалар асосида урганилади.
- 3. МДХ давлатлари темир рудасига бойдир. Записи 99 млрд. тонна, ярми А ва В категориясида. Буни 78 фоизи 20 та конда жойлашган. Колгани купрок С категориясига кириб 280 та жойдадир. Курск Магнит анамасияси, Кривой Рог, Урал ва Сибирдаги конлар мухим ахамиятга эга. Марказий Осиё қозогистон темир рудасига бойдир. МДХ давлатлари марганец, хромитр, мис, кургошин, рух, алюмин хом ашёси (бокситр, пефелин, алунитр) кобалрт, ва волрфрамга бойдир. Шунингдек

олтин, кумуш, титан, молибден, сурма ва симоб, никелр, олмос, запаслари ҳам кўп.

## **6. Минерал бойликлар хақида**

- Ўрта Осиёдаги, жумладан ўзбекистондаги энг улкан дарёлар-Амударё билан Сирдарёдир. Амударёнинг умумий узунлиги - 1437, Сирдарёники-2137 километри ташкил килади.
- Бу иккала дарё ва уларнинг ирмоқлари ўзбекистонда ташкарида бошланади. Амударё асосан Панж ва Вахш дарёларининг, Сирдарё-Норин дарёси ва Корадарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Сирдарё Амударёдан узун бўлсада, аммо суви уникидан кам.
- Ўрта Осиёдаги икки азим дарё-Сирдарё ва Амударё хавзаларини ташкил килади. Сирдарё хавзасига Норин, Корадарё, Чирчик, Охангарон, Сух, Исфара, Окбура, Исфайрамсой, Шоҳимардон, Ёовасой, ва Косонсой дарёлари; Амударё хавзасига Заравшан, Кашкадарё, Сурхандарё, Тупалондарё, Шеробод дарёлари киради. Амударёнинг ҳам, Сирдарёнинг ҳам ирмоқлари асосан узининг ўрта ва қуйи оқимлари оирасидагина республика ҳудудидан утади.
- ўзбекистон Республикаси ҳудудида Амударё сувидан асосан Хоразм вилояти ва Қорақолпоғистон ерларидаги экинларни сугориш учун фойдаланилади. Дарёнинг ўрта оқимида сувнинг каттагина қисмини Амударё канали олади, сунгра шу сув билан Бухоро ва Кашкадарё вохалари ерлари сугорилади.

- Дехкончилик сунъий суъоришга асосланган ўзбекистон шароитида дарё ва сув хавзалари мавжуд вохаларни саклаб қолишдагина эмас, балки авваллари бум-буш булиб ётган янги ералрни узлаштиришда ҳам катта ролр уйнайди. Шуни хисобга олиб, утмишда турли узунликда каналлар казишган. Хозирги кунда ҳам бундай каналлар курилиши давом этмокда.

## **7. Минерал сув ва уни бахолаш**

- Бу каналлар факат сугориш мақсадларигагина эмас, балки шу билан бирга маълум даража гидроэлектростанцияларни ривожлантириш учун ҳам хизмат килади. Масалан, нарпай, Жанубий Фарьона, Шимолий Фарьона, Катта Фарьона, Эски Ангор, Аму-Бухоро, Катта Наманган ва бошка канлларни шулар жумласига киритиш мумкин.
- Республика худудида куллар кам. Улардан энг каттаси Орол кулидир. Бу кул анча катта майдони эгалланганлиги сабабли денгиз деб атала бошланди. Нисбатан каттароқ булган бошка куллар орасида Судочье ва Арнасой кулларини курсатиш мумкин. Тахминан кейинги 30 йил мобайнида Орол денгиз сувининг сатхи 12-14 метр пасайиб кетди, қирьоби эса унлаб километрга қискарди.
- Унинг сув сатҳи қарийиб беш баравар камайиб кетди. Орол денгизни устида хосил булган иссиқ ва нам хаво оқими утмишда Россия билан Козогистонда хаво окимларининг жануб томон ҳаракат қилишига имкон бермаган, бамисоли табиий тусиқ булиб хизмат килган. Эндиликда бу тусикқа путур етди ва совук хаво оқими ҳеч бир қаршиликка учрамай, ўрта Осиёдаги

давлатлар худудига кишлок хужалик экинзорига кириб, кутилмаганда ўзи билан дул ва жадаларни олиб келмокда. Эндиликда бундай холни хатто жахирама ёз пайтларида ҳам кузатиш мумкин булиб, бундан млрд. сумлаб зарар курилмокда.

#### **IV. ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯДА АХОЛИНИ ЎРГАНИШ. ДЕМОГРАФИЯ ВА ИҚТИСОДИЁТ.**

##### **МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ.**

###### **Р Е Ж А:**

1. Аҳоли ва ишлаб чиқаришдаги ўрни ҳақида.
2. Аҳолини кўпайиши ва географик жойланишини ўрганиш.
3. Аҳолини табиий ўсиши ва унинг иқтисодий аҳамияти.
4. Аҳоли митграцияси ва унинг иқтисодий оқибатлари.
5. Демографик муаммолар ва демографик сиёсат.
6. Мехнат ресурслари ва улардан фойдаланишнинг географик асослари.
7. Мехнат ресурслари ва уни ўзгариб боришини башорат қилиш.
8. Шаҳарлар ва аҳоли манзилгоҳларининг ўзгариши.

###### **1. Аҳоли ва ишлаб чиқаришдаги ўрни ҳақида.**

- Иқтисодий ва социал ёки умумжаҳон анъаналарига мос равишда ижтимоий география фани тизимида аҳоли ниятда муҳим ва марказий йирикни эгаллайди. У баъзи олимлар таъбири билан айтганда, ушбу фаннинг ички узак булаг, каноти сифатида хизмат қилади. Шу боис иқтисодий ва социал географияда аҳолига доимо кучли булган. Хатто жаҳон географиясида ҳам вазият деярли шундай: маълумотларга қараганда, географияда

бажарилаётган жамики илмий ишларнинг чорагидан купроги айнан ана шу аҳоли муаммоларига тугри келади.

- Аҳоли-маълум бир ҳудудда жойлашган кишилар бирлиги, жамоасидир. Бинобарин, халкимиз уни "ахл" курунишда ҳам ишлатиб келишган: туман ахли, шаҳар ахли ва х.к. Шу билан бу ерда яшовчи халкларнинг якдиллиги, дустлиги, ахиллиги таъкидланган. "Халк" аҳоли тушунчасидан биров фарк килади, у этнографик маънога якин туради, фуқаро эса купрок ҳукукий, сиёсий мазмунга эга. "Шахс" тушунчаси асосан фалсафа, социология фанида ишлатилади.
- Аҳолининг рус тилида "население" деб юритилишида озрок камчилик, тушунмовчилик мавжуд. Чунки "население" сузи кенгрок, биологик маънога эга булиб, у факатгина аҳолига, кишилар мажмуасига тегишлигина эмас. Чунончи, кушлар, хайвонлар аҳолиси, популяцияси деб айтиш ҳам мумкин. Ана шу чалкашликни бартараф этиш мақсадида рус илмий адабиётларида "народнаселение" (яъни, людское, а не животное население) тушунчаси кулланиладики, бу мазмун ва мохиятига кура тугрироқдир. Бирок, узбек тилида аҳолини бошқача талкин килишга эҳтиёж йук, зеро у ҳамма вақт кишилар бирлигини англатган.

## **2. Аҳолини кўпайиши ва географик жойланишини ўрганиш.**

- Аҳоли жуда камрови кенг, мураккаб объективизим ҳисобланади. Мохиятдан у тула маънода социал - иктисодий категориядир. Аҳоли муаммоларининг турли кирралари билан катор фанлар, шу жумладан, демография, этнография, тарих, социология,

иктисод, тиббиёт ва бошқалар шугулланади; бу ягона умумий булган объектда барча фанларнинг узига хос алохида жихатлари, томонлари, фақат уларнигина кизиктирадиган ва, бинобарин, тадқиқот доирасига мос тушадиган қисмлари мавжуд.

- Юқоридаги фанлар қаторида аҳолини урганишда географиянинг ҳам узига муносиб урни бор. Бу хисса, балки, бошқа фанларга кура купрокдир. Аҳоли тугилади, уқийди, ишлайди, вафот этади ва х.к. Унинг, аниқроғи-Ҳазрати Инсоннинг "дунёси" бор, у том маънода яшайди, турмуш шароити ва тарзи, эътиқоди, моддий ва маънавий ҳаёти, урф-одатига эга. Ана шу серқиррали аҳоли билан туташ булган муаммоларнинг ҳудудий жихатларини география урганади. Зерро, юқоридаги воқеалар (табiiй ва нотабiiй, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳодисалар) фақатгина қачон ва маълум вақт доирасидагина эмас, балки қаердадир, муайян географик муҳитда, ҳудуд-мақонда содир булади. Шу нуқтаи назардан қараганда, география аҳолини урганишда юқорида тилга олинган фанлар натижаларини умумлаштирувчи вазифасини ҳам утайди.

### **3. Аҳолини табiiй ўсиши ва унинг иқтисодий аҳамияти.**

- Демак, аҳолини "соф", махсус географик урганишдан ташқари, уни қушни, турдош фанлар қиррасида ҳам тадқиқи этиш мумкин. Бу эса фаннинг ривожланишидаги муҳим ижобий хусусияти, ички имқонияти ва фазилатига ишорадир. Аммо бу ерда ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб этилади, акс ҳолда география



колиб кушни фанга, бир киргокдан бошкасига утиб кетиш хавфи бор. Агар ана шу меъёр ва мезонларга риоя килинса, турли хил фанлар усулларида фойдаланиш туфайли самарали натижаларга эришилади ва бундай тадқиқотларнинг амалий аҳамияти ҳам бекиёс салмокли булади.

- Масалан, аҳолининг иқтисодиёт фан қиррасида урганилиши унинг, энг аввало, меҳнат фаолиятига устувор эътибор берилишини такозо этади. Шунинг учун бу йуналишда асосан меҳнат базорининг шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг ҳудудий жиҳатлари тадқиқи қилинади. Ҳудди шундай, социология фани қиррасига аҳолини урганишда, аввалом бор, унинг шахс сифатида шаклланиши, ҳаёт фаолияти, яшаш шароити ва тарзи, касб-хунари ва ҳ.к.лар маълум ҳудудий бирликлар доирасида таҳлил этилади. Бундай ёндашувни социография ёки социогеография деб аташ уринли. Бирок бу тор маънодаги социал географиялар, кенг тарзда эса у, юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий (гуманитар, инсон) географисига мувофиқ келади.
- Аҳолини урганишда география фани айниқса демография билан яқин туради. Агар демография аҳолини биосоциал категория сифатида унинг табиий ва миграция характерларини тадқиқи этса география ана шу муаммоларга, энг аввало, макон жиҳатидан, ҳудудий тафовутларни аниқлаш нуктаи назаридан қарайди.

#### **4. Аҳоли митграцияси ва унинг иқтисодий оқибатлари.**

Демографик томонларни урганишда икки ҳолатга эътибор қаратмоқ лозим. Гап шундаки, бу ерда баъзи геодемография тушунчаси ишлатилса, бошқа ҳолларда демография деб юритилади. Хуш қайсиниси тугри? Аслини олганда иккала тушунча ҳам қулланишга тула ҳақли. Аммо уларни уз урнида, мавридида ишлатган маъкулрок.

Ушбу лугоавий муаммони ҳал этиш учун тизим-таркиб ғоясига муроҷат қиламиз. Маълумки, ҳар қандай тизим (таркиб) асосан икки қуринишда бўлади: бири тармок, соҳза тизими бўлса, иккинчиси ҳудудий ёки геотизимдир. Турли хил шароитда улар бирламчи ёки иккиламчи ва, демак, тизим ёки мақомида келиши мумкин. Бу ерда бири гапнинг эғаси бўлса, иккинчиси у унинг қесими вазифасини утайди.

Юқоридаги фикр ва муҳозалардан келиб чиққан ҳолда қуйилган муаммо ечимига қайтайлик. Чунончи,, демографи деганда бирламчи "демо", яъни туб демографик жараёнлар назарда тутилади. Мазкур тушунчанинг иккинчи қисми эса ана шу жараёнларнинг ҳудудий тафовутлари, фарқланишини англатади. Масалан, аҳолининг тугилиш жараёнини урганиш ишнинг асосий мақсади бўлса, у ҳолда бу соҳа тизими шаклида қуринади. Бирок, уз-уздан маълумки, бу жараён ҳамма жойда маълумки, бу жараён ҳамма жойда ҳам бир хил эмас, у узининг ҳудудий таркиби ва хусусиятига эгадир. Бинобарин, бу ерда ҳудуд масаласи соҳа, тармок тизимига нисбатан иккиламчи, таркиб шаклида намоён бўлади.

## 5. Демографик муаммолар ва демографик сиёсат.

- Геодемография эса курилган ҳолатнинг аксидир; бунда улар уз уринларини алмаштиришди, яъни ҳудуд-тизим, демографик жараён-таркиб вазифасини олади. Агар биз Наманган вилояти аҳолисини урганмокчи булсак, унда содир булаётган демографик жараёнларни инобатга олишимиз даркор. Бошқача килиб айтганда, бу ерда вилот аҳолисининг усиши ва жойланишига таъсир этувчи табиий ва механик ҳаракатларни таҳлил килиш талаб килинади.
- Шу билан бирга таъкидлаш лозимки геодемографик ёндошув маълум боскичда демографияга ва, аксинча, демографик тадқиқот геодемографик таҳлилга утиб туради. Келтирилган мисолимизда Наманган вилояти туманларида аҳолининг табиий ҳарактини урганиш геодемографик тадқиқотнинг демографик таҳлилга узгаришини билдиради.
- Албатта, географик тадқиқотларда узимизнинг фанимизга устувор ургу бериш максатида бундай йуналишларни "геодемография" деб аташ тугрирокдир. Моҳиятан у "регионал демография" тушунчасининг узгинасидир. (худди регионал иктисод, геоиктисодга ухшаш). Уз навбатида, касби демограф булган мутахассислар улар кизиктирган муаммонинг ҳудудий томонини ҳам урганишлари керак. Бу йусинда уларга географик ёндашув жуда кул келади ва бажарилган ишни мазмунан демографик тадқиқот сифатида баҳолашлари мумкин.